

Абдуллоҳ ибн Жаҳшнинг юборилиши



19:39 / 05.09.2020 2548

Расулуллоҳ соллаллоҳу алайҳи васаллам Абдуллоҳ ибн Жаҳш розияллоҳу анҳу бошчилигидаги саккиз ёки ўн икки нафар муҳожирни Нахлага – Макка билан Тоиф орасидаги жойга юбордилар. Улар ўша ерда Қурайш карвонини кутишлари керак эди. Кутилмаганда бир карвон муҳожирларнинг олдидан ўта бошлади. Шунда муҳожирлар ўша карвоннинг амири Амр ибн Ҳазрабийни ўлдиришди ва икки кишини асир олиб, карвонга эга чиқишди. Бир киши қочиб кетди.

Мана шу Исломдаги биринчи қатл ва биринчи асирлар эди. Расулуллоҳ соллаллоҳу алайҳи васаллам бу ишни оқламадилар, чунки ҳодиса уруш ҳаром қилинган ражаб ойида бўлган эди. Қурайшликлар Муҳаммад соллаллоҳу алайҳи васалламга қарши «У уруш ҳаром қилинган ойни ҳалол қилди», деган гапни тарқатишди. Шунда Аллоҳ таоло Қуръони Каримнинг

Бақара сурасидаги қуйидаги оятни нозил қилди:

«Сендан ҳаром ойда уруш қилиш ҳақида сўрарлар. «Унда уруш қилиш катта гуноҳ. Аллоҳнинг йўлидан тўсиш, Унга куфр келтириш, Масжидул Ҳаромдан тўсиш, унинг аҳлини ундан чиқариш Аллоҳнинг ҳузурида ундан-да катта гуноҳдир. Фитна қатлдан каттароқдир», деб айт» (217-оят).

«Ислом тарихи» биринчи китобидан